



Гавхар Шод бегим Амир Темурнинг тўртинчи ўгли Шохрух Мирзонинг суюкли катта хотини эди. У Чигатой зодагонларидан Гиёсиддин Тархоннинг кизи эди. Ривоят килишларича, Гиёсиддин Тархоннинг бобокалони — Кушлик бир вақтлар Чингизхон

мулозиматида бўлиб, бир жанг асносида уни ўлимдан саклаб колган экан. Шундан буён Чигатой улусида бу авлод юксак эътибор ва хурматга сазовар бўлган.

Гавхар Шод бегим 1379 йилда тугилиб, 1393 йилда Шохрух Мирзо никоҳига кирган.

Ундан уч ўғилу икки киз кўрган. Тўнгич ўғли — Улугбек Мирзо кўрагон (Мухаммад Тарагай, 1394—1449), ўртанча ўғли — Бойсунгур Мирзо (1397—1433) ва кичик ўғли — Мухаммад Жўки Мирзо (1401—1445) лардир.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Гавхар Шод бегим юксак дид-фаросатли, окила, тадбиркор, сухандон, бир сўзли — катъиятли, хусн бобида ҳам беназир аёл бўлган. Табиатан диндор Шохрух Мирзо кўп вақтини тоат-ибодат ва китоб мутолаасига сарфларди. Салтанат, девон ишларини ўқтам ва тадбиркор хотини Гавхар Шод бегим бошқарарди. Бу зийрак аёл кайнотаси Амир Темур вафотидан сўнг, секин-аста салтанат ишларини ўз қўлига олди. Зотан, Шохрух Мирзонинг ўзи ҳам хотини Гавхар Шод бегимнинг донолигига тан берар, салтанатни бошқаришда оқилона ва тадбирли маслахатларига эҳтиёж сезиб турарди. Шу боис, салтанатга доир кўпгина ишлар маликанинг назар-эътиборига хавола килинган. Вилоятларга ҳоким тайинлаш, кўшинга саркарда белгилаш, ҳатто кимга қандай инъом ва кимга қандай жазо бериш масалалари ҳам маликанинг инон-ихтиёрида эди. Масалан, 1440 йил 6 майда машхур Хирот тарихчиси (кейинчалик сарой тарихчиси) Фасих Аҳмад ибн Жалолиддин Мухаммад Хавофий (1375—1442) малика Гавхар Шод бегимнинг газабига учраб, икки маротаба қиска муддатли қамокка ҳукм қилинади.

Гавхар Шод бегим Шохрух Мирзонинг ҳарбий юришларида иштирок қиларкан, шахзодаларнинг феъл-атвори ва ҳарбий бошлиқларнинг ҳатти-ҳаракатидан воқиф бўлиб турарди. Тахтга валиаҳд тайинлаш масаласида ҳам Гавхар Шод бегим ўз иродасини ўтказишга уринади. Чунончи Шохрух Мирзо ўзининг кенжа ўғли Мухаммад Жўки Мирзони валиаҳд этиб тайинлашга ҳаракат қилади. Бирок, Шохрух Мирзонинг бу режаси маликага ёқмайди. Малика ўз ўғли Мухаммад Жўки Мирзога нисбатан набираси Алоуд Давла Мирзо (1417—1461) ни валиаҳдликка муносиб, деб биларди. Аммо ўртанча ўғли марҳум Бойсунгур Мирзонинг ўғли Алоуд Давла Мирзони ошқора валиаҳд этиб тайинлашга тўнгич ўғли Улугбек Мирзо кўрагондан хайикар, бу масалани Шохрух Мирзо қўли билан ҳал қилишга уринарди.

1444 йилда Шохрух Мирзо оғир ҳасталаниб, ўлим тўшагида ётганида, арқони давлат ҳукмдорнинг тез фурсатда оламдан кўз юмушига ишончлари қомил бўлгач, Балх вилояти ҳокими бўлиб турган Мухаммад Жўки Мирзога шошилиш хабар юборадилар. Шахзода зудлик билан Хиротга етиб келади. Бирок шахзода етиб қелгунча, онаси малика Гавхар Шод бегимнинг фармонига мувофиқ, ҳарбий қўшинлар сардори Жалолиддин Ферузшоҳнинг валиаҳдликка тайинланган Алоуд Давла Мирзога байъат (ишонч ёрлиғи) бериб, қасамёд қилгани ҳақидаги хабарни эшитади. Мухаммад Жўки Мирзо онаси Гавхар Шод бегимнинг бундай «марҳамат»идан қаттиқ ранжийди ва отасини зиёрат қилгач, Балхга қайтиб кетади. Шу воқеадан сўнг тез кунда Шохрух Мирзо қасалдан фориғ бўлиб, ўрнидан туради. Бўлиб ўтган воқеа учун малика Гавхар Шод бегим эмас, Жалолиддин Ферузшоҳ жазоланади. Маликанинг режаси тақдир тақозоси билан бир неча йилга орқага сурилади. 1445 йилда шахзода Мухаммад Жўки Мирзо қасалланиб вафот этади. Шундан сўнг Шохрух Мирзо ўзига валиаҳд тайинлаш масаласида умрининг охиригача бир қарорга қелолмайди.

Шохрух Мирзо даврида Хуросон сиёсий-иҷтимоий ва маданий жихатдан анча гурқираб ўсди. Мамлакат пойтахти Хирот иқтисодий ва маданий юксалишда Шарқнинг эпг

нуфузли шаҳарларидан бирига айланди. Табиёки, мамлакатнинг бундай юксалишида «амалий ҳукмдор» малика Гавхар Шод бегимнинг хиссаси бекиёс. Бу даврда Хиротда ва мамлакатнинг бошқа вилоятларида қурилиш ишлари авж олган эди.

Масжид-мадрасалар, хонакоҳ, макбара, дахма, мусофирхона, шифохона, равоат, кўнрик ва сардобалар қуриб битказилди.

Шохрух Мирзонинг Хуросонда ҳукмронлик қила бошлаган илк йилларидаёқ, у Хирот калъасининг жанубий томонидан мадраса ва хонакоҳ (1410—1411) бино қилдиради. Ана шундан сўнг Шохрух Мирзо авлодига мансуб шахзодалар ва маликалар ҳам мадраса, масжид, хонакоҳ, шифохона ва шунга ўхшаш иморатлар бунёд этиш билан шаҳар ободончилигига ўз хиссаларини қўшадилар.

Табиатан ватанпарвар, билимдон ва зукко Гавхар Шод бегим мамлакат равнаки йўлида тинмай гамхўрлик қилади. Унинг дастурида маданий ва маърифий ҳаёт биринчи ўринда бўлган. Шу боисданми, фарзандлари ҳамда барча набиралари илм-фан мухлислари бўлиб, хатто газал ҳам битганлар.

Гавхар Шод бегим Хиротдаги жуда кўп қурилиш ишларига раҳномалик қилди. Унинг ўзи ҳам Хиротда иккита катта мадраса қурдирган. Гавхар Шод бегимнинг кундоши малика Милкат Ого (бу маликанинг асли номи Мулк Ого бўлиб, Амир Темурнинг иккинчи ўғли Умар Шайх Мирзонинг хотини эди. 1394 йилда Умар Шайх Мирзо вафотидан сўнг, қайинотаси Амир Темурнинг иродасига бўйсуниб, Шохрух Мирзо никоҳига қирган) Хирот шаҳарида бир мадраса, «Дорушшифо» номли касалхона, «Дорулҳадис» номли хонакоҳ, иккита ҳаммом ва шаҳардан саккиз фарсах (тош) четрокда битта мадраса, кутубхона ва макбара, шахзода Алоуд Давла Мирзо эса битта касалхона қурдирган. Айни вақтда, хусусий мулкдор, давлатманд кишиларга хайрия тарикасида қурилишлар бунёд этвигига ижозат берилган ва рағбатлантириб турилган.

1446 йилда қариб қолган Шохрух Мирзо ўз набираси — Қазвин, Рай ва Қум вилоятларининг ҳукмдори Султон Муҳаммад Мирзога (Бойсунқир мирзонинг ўғли) қарши гарбга юриш бошлайди. Бу юришдан мақсад ўзбошимча ёш шахзоданинг адабий бериб қўйиш эди. Ўз бобосига қарши бош қўтарган шахзода Хамадон билан Исфакхонни босиб олиб, Шерозни қамал қилган эди. Қўшинда малика Гавхар Шод бегим ва Абдул Латиф Мирзо (Улугбек Мирзо Қўрагоннинг ўғли) Шохрух Мирзо билан бирга эдилар. Шохрух Мирзо Гарбий Эронда ҳеч қандай қаршиликка учрамади. Чунки шахзода Султон Муҳаммад Мирзо бобосининг келаётганини эшитгач, Шерозни қамалдан бўшатиб, ўзи тоққа қочиб кетган эди. Шохрух Мирзо Шерозга қиргач, шахзоданинг барча яқин кишиларини жазога ҳукм қилади. Гавхар Шод бегимнинг қатъий талаби билан бир неча саййидлар ҳам қатл этиладилар. Ажабланишли жойи шундаки, ўта такводор, ҳудожўй салтанат соҳиби Шохрух Мирзо ҳам хотини Гавхар Шод бегимнинг иродасига бўйсуниб, саййидларни қатлга ҳукм қилади. Саййидлар устидан бундай жазо ҳукмини чиқаришга на Амир Темур ва на Улугбек Мирзо ботина олмас эдилар.

Давлатшоҳ Самарқандийнинг ёзишча, саййидлар Шохрух Мирзодан «адолат юзасидан тафтиш ўтказиш» ни ёлбориб сўрайдилар. Аммо Шохрух Мирзо малика Гавхар Шод бегимнинг хоҳишини қайтаролмайди ва ҳукм ижро этилади. Нихоят, саййидлар дор остида туриб, Шохрух Мирзони «дуойи бад» қиладилар. Бинобарин, кўп ўтмай Шохрух Мирзо авлоди қирилиб кетиш сабабини мазкур саййидлар қарғишига учраганлигининг оқибатидир, деб ёзади Давлатшоҳ Самарқандий.

Шохрух Мирзо Шероздан Хиротга қайтаётганда йўл асносида бетобланиб, 1447 йил 12 мартда вафот этади. Гавхар Шод бегим қўшин қўмондонлигини Абдул Латиф Мирзога

топширади. Аммо Хиротга — Алоуд-Давла Мирзога «пойтахтни мустахкамлаш» хакида махфий мактуб ёзиб, уни махсус чопар оркали жўнатади. Бундан огоҳ бўлган Абдул Латиф Мирзо бувиси Гавхар Шод бегимни махбусликда саклаб, Амударё томон йўл олади ҳамда бобоси Шохрух Мирзонинг ўлими хакида ўз отаси Улугбек Мирзога хабар юборади.

Амакиси Улугбек Мирзодан хайиккан Алоуд-Давла Мирзо ўзини подшоҳ деб эълон қилишга журъат этмайди ва аввалгидек жума кунлари масжидларда бобоси Шохрух Мирзо номини хутбага қўшиб ўқитади. Бирок, Абдул-Латиф Мирзонинг кирдикорлари, айниқса бувиси Гавхар Шод бегимга нисбатан қўллаган жазосини эшитгач, тахтни ўз тасарруфига киритади ва хазинадан қўшинга, қўшин бошлиқларига инъомлар улашиб, Абдул-Латиф Мирзога қарши қўшин йўллайди. 1447 йил 29 апрел шанба куни Абдул-Латиф Мирзо Нишопур яқинида тўсатдан Алоуд-Давла Мирзо қўшинига дуч келиб, мағлубиятга учрайди ва ўзи асир олинади. Махбусликдан озод қилинган малика Гавхар Шод бегим махбус Абдул-Латиф Мирзони ўзи билан бирга олиб, Хирот томон йўлга тушади. Маликани Жом шаҳрининг яқинидаги Саъдобод мавзеида Алоуд-Давла Мирзо кутиб олади. Абдул-Латиф Мирзони Хиротга келтириб, Ихтиёриддин қалъасига қамаб қўйишади. Шохрух Мирзонинг жасадини эса Гавхар Шод бегим мадрасасидаги Бойсунгур макбарасига дафн қиладилар. 1447 йилда Улугбек Мирзо Хиротни вақтинча қўлга киритганда, отасининг жасадини Самаркандга келтириб, Гўри Амирга дафн этдиради.

Шохрух Мирзо вафотидан кейин тахт учун бошланиб кетган қонли можаролар тепасида Гавхар Шод бегим турарди. У невараси Алоуд-Давла Мирзони тахт соҳиби қилиш учун макр-хийлалар ишлатса-да, бироқ ўз мақсадига эришолмайди, қайтанга ака-ука шахзодалар орасида қонли тўқнашувларни вужудга келтиради. 1450 йилда эса тахтни Алоуд-Давланинг укаси Абулқосим Бобур Мирзо (1422—1457) қўлга киритади, 1457 йилда Абулқосим Бобур Мирзо Машхадга келади. Саройда катта шохона зиёфат берилади. Базм асносида шароб ичиб ўтирган ҳукмдорнинг ахволи ўзгариб, беҳол йиқилади. Табиблар муолажаси фойда бермайди ва у 36 ёшида тўсатдан вафот этади. Шундан сўнг тахт учун яна ўзаро кураш бошланади. Шахзодаларнинг ноиттифоклигидан фойдаланган Самарканд ҳукмдори Султон Абусайид Мирзо (1424—1469) Хуросонни босиб олади. Султон Абусайид Мирзо Самарканд тахтини ўзининг катта ўғли Султон Аҳмад Мирзога (1451 — 1493) бериб, Хиротни ўзининг пойтахти деб эълон қилади. Бу вақтда малика Гавхар Шод бегим 80 ёшга яқинлашиб, анча қариб қолган эди. Бирок қариб қолган малика Хуросон тахтидан ҳали ҳам воз кечмаган эди. Бинобарин, чевараси Султон Иброҳим Мирзони (1440—1460) ҳукмдор Султон Абусайид Мирзога қарши исён қўтаришга ундайди. Маликанинг бу ҳаракатидан хабар топган Султон Абусайид Мирзо маликани чопиб ташлашга фармон беради. Фармонга мувофиқ 1457 йилда Гавхар Шод бегим чопиб ўлдирилади ва ўзи қурдирган мадраса ёнидаги Бойсунгур дахмасига дафн этилади.

Тургун Файзиев